



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ўн олтинчи саммитидаги нутқи

Хурматли делегациялар раҳбарлари!
Хурматли Бош котиб!
Анжуман иштирокчилари!
Авваламбор, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида сизлар билан учрашиб турганимдан беҳад хурсандман.

Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!
Бугунги олий даражадаги учрашувимиз бизнинг умумий тараққиёт йўлида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган қатъий интилишимизнинг яққол далилидир.

Бугун кўз ўнгимизда дунё сиёсий архитектурадаги том маънода ўзгармоқда ва глобал қайта қурилиши содир бўлмоқда.

Бу мураккаб жараёнларда ўзининг катта ўрнига эга бўлган Ташкилотимиз давлатлари биргаликда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши, вужудга келаётган хавф-хатарларга қарши самарали ечимлар топиши муҳимдир.

“Ҳамкорликда иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт сари” шиори остида ўтаётган саммитимизда сиз, азиз ҳамкасбларим билан кўп томонлама алоқаларимизни янги босқичга олиб чиқиш ва энг долзарб масалалар бўйича батафсил фикр алмашамиз.

Барчангизга бугунги тадбиримизда иштирок этаётгангиз ва ўзаро манфаатли муносабатларимиз равангига қўшаётган улкан ҳиссангиз учун алоҳида ташаккур билдирарман.

Фурсатдан фойдаланиб, Озарбайжон Республикаси Президенти хурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевни Ташкилотимиздаги муваффақиятли раислиги билан самимий табриқлайман.

Озарбайжон раислиги доирасида “Яшил ўтиш ва ўзаро боғлиқлик йили”да ўтказилган қатор тадбир ва ташаббуслар амалий шериклигимизни кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Келгуси йилда Ташкилотимизга раислик қиладиган Эрон Ислом Республикасининг минтақавий савдони ривожлантириш орқали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш борасидаги режа ва мақсадларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Хурматли саммит иштирокчилари!
Бундан роппа-роса икки йил олдин Ашхобод шаҳрида Ташкилотимизнинг ўн бешинчи саммитини муваффақиятли ўтказган эдик. Туркманистондаги йиғилишимизда қабул қилинган муҳим қарорлар тузилмаамиз фаолиятига янги нафас олиб кирди.

Ташкилотни ислоҳ қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш, халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, транспорт вазирларимиз қабул қилган Тошкент декларациясининг муҳим аҳамиятини алоҳида қайд этмоқчиман.

Боқу шахрида Тоша энергия марказини ташкил этиш ва минтақавий электр энергияси бозорини яратиш масаласи бўйича амалий ишлар қилинмоқда. Экология соҳасида юқори даражадаги мулоқот платформаси тузилди. Туризм ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадида биринчи бор Ташкилот турсоператорлари тармоғи яратилди ва Хавфсиз туризмни ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Қадри, делегациялар раҳбарлари!
Ташкилотимиз аъзоларини муштарак тарих ва муқаддас ислом динимиз, бой маданият ва ўхшаш қадриятлар чамбарчас боғлаб туради.

Ярим миллиард аҳоли яшайдиган кенг минтақамиз савдо-иқтисодий, саноат, инвестиция ва инновациялар, транспорт соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришда катта салоҳиятга эга.



ТАРИХИЙ САММИТ: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШГА БЎЛГАН УМУМИЙ ИНТИЛИШЛАР МАЙДОНИ

9 ноябрь кунин Тошкент шаҳрида “Ҳамкорликда иқтисодий барқарорлик ва тараққиёт сари” шиори остида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 16-саммити бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Туркманистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Анвар ул-Ҳақ Какар, Қозғистон Республикаси Бош вазири Алихан Смаилов ва ИХТ бош котиби Хурсав Нозирий иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, ИХТ доирасида кўп қиррали ҳамкорлик истиқболлари ва уни янги босқичга олиб чиқиш муҳокама қилинди, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти саммитни очар экан, ушбу муҳим тадбирдаги иштироки учун олий мартабали меҳмонларга самимий мин-

натдорлик билдирди, бу ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган умумий интилишларнинг тасдиғи эканини таъкидлади.

Ташкилот аъзоларини муштарак тарих ва муқаддас ислом динимиз, бой маданият ва ўхшаш қадриятлар чамбарчас боғлаб туриши қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, ярим миллиард аҳоли яшайдиган ИХТ макони савдо-иқтисодий, саноат, инвестиция ва инновациялар, транспорт соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришда катта салоҳиятга эга.

Кейинги йилларда ташкилот доирасидаги ҳамкорлик жадал ривожланётгани, 2021 йилги Ашхобод саммитида илгари сурилган тақдир ва ташаббуслар ижро этилиши таъкидланди.

Жумладан, ташкилот фаолиятини ислоҳ қилиш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, халқаро майдондаги нуфузини юксалтириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Яқинда транспорт вазирларининг Тош-

кент декларацияси қабул қилинди, минтақавий электр энергияси бозори ҳамда Боқу шахрида Тоша энергия маркази ташкил этилмоқда. Экология соҳасида юқори даражадаги мулоқот платформаси тузилди, турсоператорлар тармоғи яратилди ва Хавфсиз туризмни ривожлантириш дастури тасдиқланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президенти аъзо давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун ҳали ишга солинмаган катта салоҳият мавжудлигини таъкидлади. Масалан, ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо кўрсаткичи 85 миллиард долларни ташкил этди, бу уларнинг умумий ташқи савдосининг атиги 8 фоизидир.

Имтиёзли савдо битимини тузиш бўйича кўп йиллик уринишлар қутилган самарани бермапти. Тўсиқсиз савдони шакллантириш йўлида ҳали-ҳисом кўллаб-чечлов ва муаммолар сақланиб қолмоқда.

ИХТ доирасидаги ҳамкорликка янги суръат бағишлаш мақсадида Ўзбекистон Президенти “Иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик мақсадлари – 2035” концептуал ҳужжатини ишлаб чиқиши тақдир этди.

Ушбу муҳим ҳужжатда ўзаро савдони рағбатлантириш, транспорт-коммуникациявий боғлиқлиқни кучайтириш, саноат

кооперациясини фаоллаштириш, энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, туризм ва маданият-гуманитар алмашинув соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш каби асосий йўналишларга эътибор қаратиш лозим.

Давлатимиз раҳбари товар ва хизматлар савдосини енгиллаштириш, техник ва нотариф тўсиқларини бартараф этиш, фитосанитария ва ветеринария тартиб-қоидаларини рақамлаштириш, электрон савдони ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган Савдони соддалаштириш тўғрисидаги битимни қабул қилишга қарор қилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу чора-тадбирлар орқали 2035 йилга бориб ўзаро савдо ҳажмларини камидан икки баробар кўпайтириш мумкин.

Аъзо давлатларнинг аксарияти денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга эмаслигини қайд этиб, Ўзбекистон Президенти транспорт йўлақлари салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўли ва Трансафрон мультимодал йўли лойиҳаларини ишга тушириш муҳимлигини кўрсатди ўтди.

Муносабат

Самарқандда “Ўзбекистон маданият мероси – янги Ренессанс асоси” VII Халқаро конгресси бўлиб ўтди



Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
Ўзбекистон “Адолат”
СДП Сиёсий Кенгаши
раиси

Ўзбекистон дунёнинг қадимий тамаддун марказларидан бири ҳисобланади. Жаҳоннинг турли бурчакларида юртимизни Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган, цивилизацияларнинг қайноқ нуқтаси бўлган мамлакат сифатида эътироф этишади. Юртимиз азал-азалдан ўзининг гўзал ва бетакрор обидалари, мухташам иنشоотлари, ўзига хос миллий маданият-маърифий мероси билан, савдо-сотик, илм-фан маркази сифатида дунёнинг турли минтақаларидан таширивчи инсонларни завқлантириб, ҳайратга солиб келган.

Бугуннинг гапи

Зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига ҚАРШИМИЗ!

Шу кунлари юртимизда “Болаларни зўравонликларнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси мазкур жараёнда фаол иштирок этмоқда, албатта. Зеро, партиямизнинг Сайловолди дастуридаги устувор ғоялар ҳамда партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ва бошқалар томонидан болаларга нисбатан кўрсатилмаётган тазйиқ, ҳақоратлаш ва зўравонликнинг ҳар қандай шакллари нисбатан муросасизликни тарғиб этамиз ҳамда бу борада учраб қоладиган салбий ҳолатларга нисбатан амалдаги қонун асосида зудликда адолатли ва кескин чоралар кўриш лозим, деб ҳисоблаймиз.

ДИҚҚАТ АКЦИЯ

ADOLAT
ТАШАББУС БИЛАН
2023 ЙИЛ 1 ДЕКАБРЬ КУНИ
РЕСПУБЛИКА ҚОН ҚУЙИШ МАРКАЗИ ВА УНИНГ
ХУДУДИЙ БЎЛИНМАЛАРИДА
“БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!”

БЕГАРАЗ ДОНОРЛИК АКЦИЯСИГА
БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЧОғЛАБ ҚОЛАМИЗ!

9:00 дан 16:00 гача
Тошкент шаҳар, Шота Руставели кўчаси, 138-уй
+998 99-520-13-85
+998 99-421-93-18
www.adolat.uz

НАТИЖАДОРЛИК МУҲИМ

Давлат дастурининг 2023 йил 9 ойн якунлари бўйича ижроси “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида партиямизнинг гоё ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда атрофлича кўриб чиқилди.

Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси раҳбари

Таъкидлаш лозим, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан геосиёсий вазият билан боғлиқ хатарлар бўйича ўз вақтида кўрилган чоралар натижа-сида 2023 йилнинг 9 ойн якунида ялпи ички маҳсулот ўсиши ўтган йил-нинг шу даврига нисбатан 5,8 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот таркибида, айниқса, саноат, хизмат-лар, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжа-лиги ва балиқчилик соҳаларининг улуши катта бўлди. Давлат бюджети даромадлари 98,8 триллион сўмга ижро этилиб, шундан 76,3 триллион сўми солиқ ҳамда 24,3 триллион сўми божхона тушумлари ҳиссасига тўғри келди.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, Давлат дастури ижроси дои-расида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Мисол учун, Саудия та-раққийёт жамғармаси билан шарт-нома тузилиб, Давлат дастурида белгиланган 46 туманлараро пери-натал марказлари баҳоси 3,6 мил-лион доллар бўлган, жами 6 турдаги 460 донга замонавий тиббий асбо-бусналар билан тўлиқ жиҳозланди.

Шу билан бирга, Давлат дастури доирасида бошланган ва амалга оширилган аксарият дастур ва лойиҳаларни 2023 йил ва яқин йил-ларда ҳам изчил давом эттириш ке-рак, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, кўйидаги масалаларга эътибор қар-атиш лозим:

Биринчидан. Маълумки, кейинги йилларда республикамизнинг экс-порт салоҳияти сезиларли дара-жада юксалди. Экспорт фаолият-ини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими доирасида Экспортни ра-баўтлантириш агентлиги томонид-ан 515 миллиард сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилди. Бунинг натижа-сида ҳисобот даврида товарлар ва хизматлар экспорти (максус экс-портсиз) 12,0 миллиард АҚШ долла-рини ташкил этди, ўсиш 106,1 фо-издан иборат бўлди.



Мамлакатимиз раҳбари томонидан 2026 йилга бориб, экспорт ҳажмини 30 миллиард АҚШ дол-ларига етказиш вазифаси қўйил-ган. Ушбу натижага эришиш ўз-ў-зидан бўлмағлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз, албатта, Аф-суски, импорт ва экспорт ўрта-сидаги тафовут, яъни салдо биз учун анча салбий кўрсаткичларга эга бўлмоқда. Шу боис, биз бундан кейин ҳам экспортни рағбатлан-тиришида давом этишимиз керак. Бунинг учун экспорт қилувчи кор-хоналарга кўрсатилаётган таш-килий ва молиявий ёрдам бериш ти-зимини янада такомиллаштириш, маҳаллий тадбиркорлик субъект-ларининг экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали юқори кў-шилган қийматга эга маҳсулотлар экспортини кўпайтириш, экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр

маҳсулотлар ҳажмини, жумладан, Европа давлатларига “GSP+” ти-зими доирасида тайёр маҳсулот-лар экспортини кенгайтириш бу борадаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, 2023 йил – Инсонга эътибор ва сифатли таълим йи-лида мактабларда ва олий таъ-лим муассасаларида таълим сифа-тини янада ошириш, педагог-ка-дрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш на-вбатдаги муҳим вазифалардир. Ал-батта, 2023 йилнинг 9 ойн да-вомида Давлат дастурида ушбу ва-зифалар ижросига жиддий эътибор қаратилганлигини эътироф этиш-ган ҳолда, яқин истиқболда бу ишларга эътиборни янада кучайтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, Давлат дастури доирасида энергия самарадорли-гини ошириш Миллий дастури



ишлаб чиқиш белгиланган бўлиб, бизга тақдим этилган ҳисоботда Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 июлдаги махсус қарори қабул қилинганлиги кўрсатилган. Эндиги вазифа – ҳудудлар, шунингдек, ту-ман-шаҳарлар кесимида энергия са-марадорлигини ошириш ҳамда ёқил-чи энергия ресурсларини тежаш бўйича режалаштирилган мақсадли кўрсат-кичларга эришишдан иборат. Жум-ладан, 2023 йил якунига қадар те-гишли чора-тадбирларнинг бажарилиши ҳисобига 5 359,6 миллион кВт соат электр энергияси ҳамда 2 733,3 миллион куб метр табиий газ тежаллишига эришиш вазифаси қўйилган. Бу ишларни изчиллик билан ҳа-ётга татбиқ этиш лозим.

Тўртинчидан, жорий йилда “Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини амалга оши-риш дастури” тасдиқланди. Бу дасту-рининг асосий мақсади рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантиришдир. Дастурда ўта муҳим вазифалар белгилаб олинган бўлиб, уларни изчиллик билан амалга ошириш лозим.

Бешинчидан, фракциямиз аъзо-лари коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш тизими са-марадорлигини ошириш чоралари кўрилаётганини эътироф этиш билан бирга, амалиётда бу борада ҳали-ҳануз айрим муаммолар, ху-сусан, инсон омили сақланиб қола-

ётганини, шу боис, баъзи соҳа-ларда коррупцияни келтириб чиқарувчи ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида рақамли технология-ларни кенг жорий этишни янада кенгайтириш лозимлигини қайд этдилар. Биз коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратишимиз, давлат ва жамият бошқарувида корруп-циявий омилларни кескин камай-тириш мақсадида давлатнинг яқин истиқболдаги асосий йўна-лишлари ва аниқ стратегиясини белгилаб олишимиз зарур.

Муҳокамаларда фракция аъзолари томонидан Дастурда белгиланган ва-зифаларнинг фақат бажарилган ёки бажарилмаганлигини эмас, балки улар-нинг натижадорлигини, яъни халқимиз фаровонлиги ва юртимиз ободлигига қандай таъсир кўрсатганини ҳам чуқур таҳлил этиш тақлифи илгари сурилди ва ушбу тақлиф ҳукмат аъзолари томонидан қабул қилинди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Адолат” СДП фракцияси Давлат дасту-рининг 2023 йил 9 ойн якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маъ-қуллади.

Давлат дастури: ҲИСОБОТ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишида 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққийёт стратегиясидаги “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” Давлат дастури бўйича 2023 йил-нинг 9 ойн мобайнида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Таваккал ЧОРИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Маълумотларга кўра, Давлат бю-джети жами харажатлари 201,3 трил-лион сўми (ўтган йилнинг мос дав-рига нисбатан 23,9 фоизга ўсган), шундан ижтимоий соҳаларга йўнал-тирилган харажатлар 98,5 триллион сўмини ташкил этган. Сарфланган хара-жатлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,3 фоизга ошган бўлса, инвестиция дастури доирасида 1,9 миллиард долларлик 90 та йирик ва аҳамиятли лойиҳалар ишга туши-рилиши ҳисобига 14,5 мингта янги иш ўринлари яратилган. Шунингдек, кўрилган қўшимча чоралар натижа-сида 914 миллион долларлик 2 009 та лойиҳа муддатидан олдин ишга туширилиб, 24 мингта янги иш ўрин-лари яратишга эришилган.

Ялпи ички маҳсулот ўсиши эса ўтган йилнинг шу даврига нисба-тан 5,8 фоизга ошган. Автомобил-созлик ва қишлоқ хўжалиги маши-носозлигида инвестиция лойиҳала-рини ишга тушириш бўйича Жиззах вилоятида “BYD Uzbekistan Factory” МЧЖ қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилган.

Шунингдек, “Аёллар дафтари”га киритилган 1 миллион 680 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 929 813 нафарига (92,9%) ёрдам кўрсати-лган. “Келажак касблари” лойиҳаси доирасида 3 335 нафар ёшларга за-монавий касбларни эгаллаши, ах-борот технологияларини ўрганиши ва уларни хорижий тилларга ўқитиш учун 14,9 миллиард сўм миқдорда субсидия ажратилган. Ҳарбий ва-танпарварлик йўналишида тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил этилган.

Мақтабача таълим ташкилотла-рида “Ягона мавсумий таомнома” жорий этилган. Туман ва шаҳарлар-нинг 417 та мактабларида 734 нафар имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълим жорий этилиб, 250 нафарга яқин педагоглар инклюзив таълим учун бириктирилган. Шунинг-дек, умумий ўрта таълим муассаса-ларининг 1–4-синф қардош тиллар ўқувчилари учун она тили фанидан бир неча номда 200 нусхада ҳамда давлат тилида 36,4 миллион нусхада 775 номда дарсликлар чоп этилган.

Талабаларни талабалар турар жойига онлайн жойлаштириш им-

кониятини берувчи ахборот тизими ишлаб чиқилган. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабаларни ётоқхоналарга жой-лаштиришнинг онлайн шаклдаги шаффоф механизми йўлга қўйилган. Айтиш жоизки, буларнинг барчаси давлатимиз томонидан иқтисодий, ижтимоий соҳаларда амалга ошири-лаётган кенг қўламли ишлар самара-дорлигини ифодалайди. “Инсонга эъ-тибор ва сифатли таълим йили”да, яъни 9 ой мобайнида таълимнинг барча тизимларида натижага ва ижоб-ий ишлар амалга оширилган.

Хусусан, мактабларда хорижий тилларни ўрганишга бўлган эъти-борни янада кучайтириш, ўсиб ке-лаётган келажак авлодга ёшлугидан касб-хунар ўргатиш, уларга ахборот-коммуникацион воситалари билан ишлаш амалиёти жорий этилди.

Юқорида баён этилган фикрлар Янги Ўзбекистонда креатив фикрлай-диган, ижодий ва мантиқий мушоҳада юритадиган авлоднинг етишиб чиқи-шига кенг имконият яратди. Бу эса ижтимоий давлатда ижтимоий адолат барқарорлигини таъминлайди.



“Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг “Профессионал таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирил-ган тизимини жорий этиш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучай-тириш тугрисида” қарори қабул қи-линши билан республикадаги про-фессоанал таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчилар ла-возим маошлари ўртача 20 фоизга оширилишига эришилади. Шунинг-дек, профессионал таълим муассаса-ларининг фидойи, ташаббускор ҳамда юқори натижаларга эришган педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставка-лига ҳар ойда 50 фоизгача устам тўлаш тизими ҳам жорий этилади.

Ўтган даврда аҳолининг ҳаёт дара-жасини янада юксалтириш бора-сида тизимли ишлар амалга оши-рилган. Хусусан, бирламчи тиб-бий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифа-тини яхшилаш мақсадида тасди-қланган чора-тадбирлар дои-расида 5,9 миллион нафар 18-40 ёшли аҳоли профилактик тиббий кўриклардан ўтказилган. Касаллик аниқланган аҳолининг 1,4 миллион нафари амбулатор шароитда, 41

минг нафари эса стационар ша-роитда соғломлаштирилган.

Давлат тиббий сўғуртаси меха-низмларини жорий этиш ишларини давом эттириш мақсадида эса Тош-кент шаҳридаги стационар муассаса-ларга беморларни ётқизиш, тиббий статистик шакли электрон тўлди-риш ҳамда давлат тиббий сўғуртаси жамғармасига маълумотларни уза-тиш имконияти яратилди.

Муҳокамалар давомида фрак-ция аъзолари Давлат дастури асо-сида амалга оширилган кенг қўламли ишларни эътироф этиш билан бирга, айрим масалалар юзасидан ҳуку-мат аъзоларини саволларга тугишди. Дастур доирасида белгиланган ва-зифаларни амалга оширишда суст-кашликка йўл қўймаклик зарурлигини қайд этдилар.

Йиғилишида “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Дав-лат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамалар мар-казида бўлди.

Муҳокамаларда 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққийёт стратегиясидаги “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” Давлат дастури бўйича амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчилик-лар, уларни бартараф этиш бўйича келгусидаги вазифалар юзасидан сав-оел-жавоблар бўлди, фикр ва тақлифлар илгари сурилди.

Мазкур қонун лойиҳаси мамла-катда макроиктисодий барқарор-лиқни мустаҳкамлашга, ҳудудий бошқарув органларининг бюджетни ишлаб чиқиш, маблағларни тасар-руф этишдаги роли ва мустақилли-гини оширишга катта эътибор қар-атилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг тармоқларини ис-лоҳ қилиш доирасида молиявий маълумотлардан фойдаланиш им-кониятларини кенгайтириш, бюд-жет жараёни очиқлигини таъмин-лаш, солиқ юкни камайитиришнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича изчил ишлар олиб борил-моқда.

Депутатларнинг фикрича, лой-иҳада ижтимоий соҳага, хусусан, таъ-лим ва соғлиқни сақлаш тизимига катта эътибор қаратилган. Бу ушбу тизимда ислохотларни амалга оши-риш, сифатли таълимни таъминлаш ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини яратди.

